АБАЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 150 ЙИЛЛИГИ

# ОҚИННИ ТЎЛҚИНЛАНТИРГАН ХАБАР

Абай Пушкин, Лермонтов асарларини ўқиган, уларнинг баъзи шеърларини таржима қилган. Лекин халқ орасида тарқалган ўланларини нашр этиш мумкинлигини фақат «Таржумон» газетасини ўқиб англаган. Туркий тилларнинг нақадар жозибадорлиги, таъсирчанлигини бу газетада босилган асарларда кузатган. Она тилида ҳам Пушкин ва Лермонтовнинг достонларидай асарлар яратиш мумкинлигини 1900 йил 14 июнда «Таржумон»нинг 23-сонида босилган «Илёс Мирзо Бораганский» сарлавҳали хабарни ўқиб тушунган. Оқинни тўлқинлантирган хабарда шундай ёзилган эди:



АБАЙ



И. БОРАҒАНСКИЙ

«Боғчасаройда туғилган қрим мирзоларидан бири ўн йилдан бери Петербургда яшамоқда. Бу одам уста ҳаттот бўлиб танилган Илёс Мирзо Бораганскийдир. У ҳалол ва олижаноб фаолияти билан рус профессорларининг назарига тушди ва уларнинг ҳурматини қозонди. Узоқ ва суронли пойтахтда уни фақат шу профессорлар қўллаб-қувватладилар ва иш билан таъминладилар. Бораганский афанди бироздан кейин Санкт-Петербургда босмахона очишга рухсат олди ва матбаа ишига киришди. Араб тилида «Мишкат» номли бир китоб нашр этиб, ўзининг маҳорати ва санъатини намойиш қилди, лекин сармояси етарли бўлмагани сабабли бу ишни истаганидай йўлга қўйолмади...

Бораганский афандининг босмахонаси, бизга маълум бўлишича, ёрдамга муҳтож... Санкт-Петербург дорилфунуни турк тилининг лектори, яъни муаллими унвонини олган Бо-

тербург дорилфунунини шарқ тиллари факултетида турк тили муаллими бўлган. Санкт-Петербургда босмахона очишга рухсат олган, рус ва шарқ тилларида китоблар нашр этган».

Мақолага библиография тарзида илова қилинган Н. И. Веселовскийнинг «Санкт-Петербург дорилфунунининг профессорлари ва приватдоцентларининг рўйхати» (СПБ, 1909) китобининг 27-саҳифасида Илёс Мирзонинг дорилфунунда турк тилидан дарс бергани ёзилган. Бу қисқа маълумотдан Илёс Мирзо матбаачигина эмас, туркий тилларни мукаммал билган олим экани ҳам маълум бўлади. Академик В. В. Бартолднинг 1909 йили Петербургда чиққан «Санкт-Петербург дорилфунуни шарқ тиллари факултетига доир материаллар» китобида ҳам Илёс Мирзонинг турк тили муаллими бўлиб хизмат этгани айтилган. Ленинград вилоят тарих архивида Петербург дорилфунуни шарқ тиллари факултетида 1903 йили 20 апрелда ўтказилган мажлиснинг баённомаси сақланган. Баённома профессор П. М. Мелиоранский томонидан ёзилган ва унда Илёс Мирзонинг муаллимлик муддатини 1903 йилнинг 20 августидан яна икки йилга чўзиш тўғрисида қарор қабул этилгани қайд қилинган. Бу ҳужжатни академиклар В. Жуковский, Н. Веселовский, В. Бартолд, П. Марр ва П. Мелиоранский имзолаганлар.

Илёс Мирзонинг ҳаётига доир маълумотлар ана шу ерда узилади. Лекин Қозоғистоннинг Семей шаҳрида чиқиб турган «...

деб атадилар. Улар 1905 йил инқилоби берган озгина ҳурриятдан ҳам фойдаланиб, ёшларнинг ғайрати билан матбуотни жонлантирди.

Исмоил Мирзо бу даврда «Занжирли» мадрасасининг рус тили муаллими эди, у усули жадидга асос солиб, газета чиқариш йўлини қидирди. Оврупо ва араб мамлакатларида таҳсилда бўлиб, жаҳон маданияти билан яқиндан танишган И. Гаспиралининг маслакдошлари И. Бораганский, И. Леманов, О. Оқчоқроқли, М. Рефатов, Р. Медиев, А. Айвазов, О. Заатов халқнинг сиёсий ва маданий савиясини кўтаришда фақат бир газета етарлик эмас, унга таянч яна бир матбаа ўчоғи, керак деган фикрда эдилар. Илёс Мир... Боғчасарой мадрасаларининг ... билимли ва эътиборли муалл... аридан бири бўлиб, бундай ўчо... и фақат у ташкил этиши мумки... деган фикрда уни Петербургга ... ришга кўндирдилар. Илёс Мир... етти йил Россиянинг турли ўлка... рида мусулмонларнинг ҳаёти билан танишгач, 1894 йили пойтахтда араб ёзувида китоб нашр этадиган босмахона очади. Татар босмахоналари аввал ҳам бор эди, лекин улар муллалар ва тужжорларнинг маблағи ҳисобига ишлар, улар манфаатларига хизмат қиларди. Лекин Исмоил Мирзо ҳам, Илёс Мирзо ҳам уларнинг сармояларига суянмай, маорифчилик йўлидан бордилар. Халққа маърифат ғояларини сингдириш учун 1883 йили Боғчасаройда «Таржумон» газетаси чиқди, 1894 йилдан эса Петербургда босмахона иш бошлади.

яъни муаллими унвонини олган Бораганскийнинг шахсан ўзи босмахона асбоб-ускуналарига муҳтож эмас, аммо унинг босмахонаси мусулмон жамиятига фойдали ва зарур бўлиб, бунинг учун босмахонага ёрдам этмоқ ва Бораганский афандининг бошлаган олижаноб ишини ҳормай-толмай давом эттиришини илтимос қилишимиз керак...

Биз аминмизки, бу билан Бораганский афанди узоқ юртда ўзининг фойдали фаолиятини давом эттирар, руҳан тушмас, бугун бўлмаса эртага бу иш билан мусулмонларнинг олқишига сазовор бўлар...».

1909 йили, яъни Абай вафотидан беш йил ўтгач , нашр этилган тўпламни кўпчилик кўрган, аммо муқовасининг ички томонидан «Восточная электропечатания И. Бораганского» деган ёзувга диққат этмаган.

Илёс Мирзо Бораганский ким? Академик А. Н. Кононовнинг таҳририда 1974 йили нашр этилган «Ватан туркшуносларининг биобиблиографик луғати (Октябргача бўлган давр)»да шундай қисқа маълумотни учратдик: «Бараганский (Бораганский), Илёс Мирзо қримли. Боғчасаройда туғилган. Истанбулда ўқиган. XIX асрнинг 80-йилларидан Петербургда яшаган. 1898 йилнинг 20 августидан Санкт-Пе-

рида чиқиб турган «Қозоқ тили» газетасида 1922 йилнинг 28 октябрида босилган «Қария Илёс Бораганский» мақоласи мушкулимизни анча енгиллаштирди. Мақолада Илёс Мирзонинг Бошқирдистонда яшагани, таваллудининг 75 ва ижодий



фаолиятининг 50 йиллиги нишонланиши билдирилган эди. Шундан кейин Уфада нашр этилган «Яни юл» («Янги йўл») журналининг 1923 йилги 4-сонида «Матбуот оламида эллик йил хизмат этган одам» мақоласи муаммони анча ойдинлаштирди:

«Илёс Мирзо Бораганскийнинг матбаа соҳасида хизматига 50 йил тўлди. Илёс бобо 1852 йили 20 апрелда Қримда, Боғчасарой шаҳрида дунёга келди. Ўн беш ёшигача Қримнинг мактаб ва мадрасаларида ўқиди. Дунёвий фанлар билан бирга хаттотликни ўрганди...».

Мақолада шундан кейин Илёс Мирзонинг Петербургдаги фаолияти баён қилинади. 1917 йилдан кейинги ҳаёти тўғрисида шундай дейилади: «1917 йил инқилобгача Илёс бобо Питерда ишлади. Кейин ҳам ўз ишини давом эттирди. 1919 йили бошқирд қизил аскарлари бригадаси Питерга келгач, Илёс Мирзо шу бригаданинг нашри бўлмиш «Салават» газетасини ўз босмахонасида чоп қилди. Мусулмон аскарлардан ҳарф терувчилар тайёрлади. 1920 йили аскарлар билан ўз босмахонасининг асбоб-ускуналарини олиб, Бошқирдистонга кетади, уларни Стерлитомоқ шаҳридаги босмахонага ҳадя қилади».

Биз Илёс Мирзонинг 1923 йилгача кечган ҳаёти билан танишгач, Семей шаҳрида яшаган таниқли қозоқ адиби ва олими Қаюм Муҳаммадхонов билан боғландик. Қаюм оға Илёс Мирзонинг фаолияти билан шуғулланганидан бохабар эдик. Оқсоқол Илёс Мирзонинг жияни Хатмуш Галикеев Семипалатинск медицина институтида ишлашини билдирди. Медицина фанлари доктори, профессор Х. Галикеевдан Илёс бобо ўттизинчи йилларда пенсияга чиққанини, 1942 йили 90 ёшида вафот эттанини, Уфада дафн қилинганини аниқладик.

Халқ манфаати йўлидаги хизматларида бошқа халқлар тилларини, маданиятларини ўрганишни зарур, деб билган жадидлар — Исмоил Гаспирали ва унинг маслакдошлари мусулмон меҳнаткашларнинг тақдири Россиядаги бошқа миллатлар тақдирлари билан боғлиқлигини англаб,1905 йил инқилобидан бошланган янги даврни «Уйғониш даври»

Чор Россиясида китоб нашри муаммоларини ўрганган таниқли татар олими Аброр Каримуллин ўзининг «XX асрнинг бошида татар китоби» асарида Илёс Мирзо босмахонаси ҳақида шундай ёзади: «Бораганский ва Ко босмахонаси»



нишони билан нашр қилинган китоблар хилма-хилдир... Улуғ қозоқ шоири Абайнинг биринчи шеърлар тўплами ҳам Бораганскийнинг босмахонасида нашр қилинди. Бу тўпламга кирган шеърларини профессор П. М. Мелиоранский тайёрлади, китоб эса босмахона соҳиби Илёс Бораганскийнинг шахсий сармояси ҳисобига чиқарилди...».

Болшевиклар 1918 йили Қрим мухториятини тугатишгач, Исмоил Мирзо маслакдошларининг аксарияти хибсга олиниб, фақат шу кунлари четда бўлганлар соғ қолган эдилар. Ушанда жадидларга «буржуазия тарғиботчилари», «революция душманлари» деган тамға осилди. Илёс Мирзо Бошқирдистонга бош олиб кетди.

Энди Абай тўпламининг нашрига қайтсак. Абай умрининг охирини ёлғизликда кечирди. Укаси Оспан ва ўғли Абдураҳмоннинг бевақт ўлими унга қаттиқ таъсир қилди. Бу даврда ёзган шеърларида тушкунлик кайфиятлари акс этди. Севимли рафиқаси Айгерем билан овулида яшаган Абай «Таржумон» газетасида босилган хабарни ўқиб, олдинда шамчироқ кўргандай бўлишади. Петербургда мусулмонлар босмахонаси очилганини билгач, акасининг ўғли, севимли шогирди Қакитайга аввал ёзган шеърларини тўплашни буюради. Лекин, афсуски, оқинга шеърларини тўплам ҳолида кўриш насиб этмайди. 1904 йили шоир вафот этади. Илёс Мирзо дўсти, профессор П. Мелиоранскийдан Қакитай тўплаган асарларни Петербургга олиб келишни илтимос қилади. Ношир уларни тўплам шаклига келтиради ва ўз сармояси ҳисобига 1909 йили босиб чиқаради. Шундан кейин Абайнинг нашр қилинган барча китобларига шу тўплам асос бўлди.

Бу йил ЮНЕСКОнинг қарори билан Абай таваллудининг 150 йиллиги нишонланмоқда. Улуғ оқинни хотирлар эканмиз, унинг довруғига баҳоли қудрат ҳисса қўшган қримтатар халқининг фарзанди Илёс Мирзони эслаб ўтиш ўринлидир.

**Сафтер НЎҒАЕВ,**
**қримтатар адиби**